

## Москвада шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳга бағишланган ўқув тадбири бўлиб ўтади



10:30 / 04.11.2019 1972

2019 йил 4 ноябрь куни Москвада «Миллий бирлик куни» да биринчи мартаба бўлаётган диний-маърифий ўқув тадбири ўтказилади. Ушбу тадбир шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг илмий меросларига мансуб ҳолда ташкиллаштирилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги Муслмонлар маънавий-маърифий маркази, АНО, Ислом маданияти, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш фонди кўмагида муслмонларга психологик ёрдам бериш ассоциацияси томонидан ўтказилмоқда.

Тадбирнинг асосий мақсади шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг илмий меросига қаратилган бўлиб, ўқув тадбирида давлат ва диний идора ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ҳамда мигрантлар билан ишлашни ўз ичига олади.

Ўқишнинг асосий мавзулари қуйидагилар:

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаси муҳожирлари билан ишлашда радикализм ва сохта диний ташкилотлар

таъсирини олдини олиш, шайх ҳазратларининг илмий меросидан фойдаланиш;

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон мусулмонларига психологик, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ёрдам ва лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинади;

Москвага Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистондан келган муҳожирларнинг ижтимоий мослашуви ва интеграцияси.

Тақдимот монографиясини тайёрловчилар:

Социология фанлари доктори И.В Лескова, профессор С. Ю. Зязин, шайх Муҳаммад Содиқ номидаги АНО DPSM директори Р.З. Каримбеков «Ал-Васатия» АНО СПС ижрочи директори .

Ушбу тадбир Москвада истиқомат қилувчи муҳожирларнинг долзарб муаммоларини ёритишга ва уларнинг психологик барқарорлигини шакллантириш бўйича муаллифлик услубини тақдим этишга қаратилган.

Хусусан, ўқув тадбирида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаси муфтийлари, элчихоналари ва биродарлик вакиллари, давлат, идоравий ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этади.

Ўқиш вақти 2019 йил 4 ноябрь куни бўлиб, иштирокчиларни рўйхатга олиш соат 09.00 дан бошланади.

Тадбир соат 10.00 да бошланади.

Манзил: Москва, Смоленская кўчаси 5, «Golden Ring» меҳмонхонаси.

***Islom.uz портали таҳририяти***